

Хаттотлик санъати

МЎЪЖИЗА БАҒРИДАГИ
МЎЪЖИЗА

Бой маданий меросга эга халқимиз. Хаттотлик санъати ана шундай жозибадор қадриятларимиздан бири. Давлатимиз раҳбари 29 январь куни Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказида қурилиш жараёнига масъул мутасаддилар ва тарихчи олимлар билан мулоқот чоғида хаттотлик мактабига эътиборни кучайтириш зарурлигини таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

— Бу санъат Шарқда хуснихат, хаттотлик, Ғарбда эса каллиграфия номи билан кенг шухрат қозонган, — дейди Мир Араб олий мадрасаси мударриси, хаттот Абдулғафур Раззоқов. — Ушбу санъат усталари — хаттотлар ўз даврларида катта обрў-эътиборга эга бўлиб, илм-фан аҳли қаторидан жой олган.

Қадимда юртимизда бу санъат бениҳоя тараққий этган. Унинг бир нечта мактаби вужудга келган. Масалан, Бухоро хаттотлик мактабининг Мирали Хиравий, Мир Убайд Бухорий, Мир Хусайн Қўланкий Бухорий каби йирик вакиллари бўлган. Хоразм, Фарғона, Самарқанд ва Тошкент хаттотлик мактабларида ҳам ўз ишининг устаси саналган кўплаб зиёлилар етишиб чиққан.

Эътиборлиси, хаттотлик санъати фақат китобат билан шуғулланиб қолмаган. Меъморчилик ва халқ амалии санъатида ҳам хуснихатдан кенг ва оқилона фойдаланилганини кўриш мумкин.

— Юртимиздаги қай бир тарихий ёдгорлиқни олиб қараманг, унда хаттотлик санъати намуналарини учратиш мумкин, — дейди ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, манбаунос Комилжон Раҳимов. — Мана бир мисол. Чорминорнинг пойдеворида Абдураҳмон Жомийнинг Бухоро вас-фига битган мўъжаз шеъри бор. Унда

“Шарифлик мақоми Аллоҳнинг изни билан охириги марта Бухорога насиб этди”, деган маъно мужассам. Эсимда, франциялик сайёҳларга тошга битилган шу шеър ҳақида сўзлаб берганимизда, улардан бири “Шаҳрингиздаги ҳар бир ёдгорлик, жумладан, Чорминорнинг ўзи бориб турган мўъжиза. Бу битик мўъжиза ичидаги мўъжиза, деган таърифга муносиб”, деганди ўз хайратини яшира олмай.

Чиндан ҳам, аниқ фанларнинг ўзгармас қонунилари асосида мукамал барпо этилган мадрасаю масжидлар, тиму қарвонсаройлар аждодларимизнинг юксак ақл-заковати, салоҳияти маҳсулидир. Шу ноёб осориётиқаларнинг ташқи кўринишини хаттотлик санъати асосида безаш, уларга ҳикматли сўзларни битиш мўъжизада мўъжиза яратилгани билан баробар.

Бинобарин, бармоқ билан санарли даражада оз қолган хаттотларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни шу соҳага йўналтириш орқали унутлаётган хаттотлик мактабларини қайта тиклаш мумкин. Бунда ёш хаттотлар танловлари, Бухоро, Самарқанд, Хива сингари қадимий шаҳарларимизда ташкил этилаётган халқаро фестивалларда хаттотлик санъати бўйича маҳорат сабоқларини ўтказиш фойдадан холи эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Дўстлик» ордени
Навоий кон-металлургия
комбинати жамоаси

8 март —

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан муҳтарама аёлларимизни қутлайди.

Аёл ҳамиша гўзаллик ва

садоқатнинг ёрқин тимсоли сифатида

улуғланиб келинган. Хонадонларда

қут-барака, тинчлик ва сокинлик руҳи ҳукм

суришида ҳам маълум маънода аёлнинг

ўрни бор. Шу ўрнингиз миқёси бундан-да

зиёда бўлиб бораверсин!

Яна бир бора қутлуғ айёмингиз муборак

бўлсин, азизлар!



«Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банки» акциядорлик
жамияти жамоаси

юртимиздаги барча
аёлларни

8 март —

Халқаро хотин-қизлар
куни билан самимий
муборакбод этади!



QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси
муҳтарама аёлларимизни



Халқаро хотин-қизлар
куни билан табриклайди.

Шу муносабат билан
«Барака»
омонат туруни таклиф этади.

- Муддати 13 — 25 ой.
- Йиллик 20 %.

☎ Телефонлар: 78 150-72-58, 150-93-39

Алоқа учун:

🌐 Сайт: www.qqb.uz

📧 Telegram: @qqbank

📘 Facebook: @official.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

(“Халқ сўзи”нинг навбатдаги сони 7 март, яшанба куни чиқади).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усуларида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6